

**ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.К/ФМ/Т.36.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МАТЯКУБОВ БЕКЗОД МАТНАЗАРОВИЧ

**ЮПҚА ҚАТЛАМЛИ ПОЛИМЕР МАТЕРИАЛЛАРНИНГ
АНИЗОТРОПИК ХОССАЛАРИ**

01.04.06 – Полимерлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
physical – mathematical sciences**

Матякубов Бекзод Матназарович

Юпқа қатламли полимер материалларнинг

анизотропик хоссалари3

Матякубов Бекзод Матназарович

Анизотропные свойства тонкослойных

полимерных материалов21

Matyakubov Bekzod Matnazarovich

Anisotropic properties of thin-layer polymer

materials.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.K/FM/T.36.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МАТЯКУБОВ БЕКЗОД МАТНАЗАРОВИЧ

**ЮПҚА ҚАТЛАМЛИ ПОЛИМЕР МАТЕРИАЛЛАРНИНГ
АНИЗОТРОПИК ХОССАЛАРИ**

01.04.06 – Полимерлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021

Физика – математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/FM412 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (polchemphys.uz) ҳамда «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Холмуминов Абдулфатто Ахатович**
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Абдурахманов Умарбек**
физика-математика фанлари доктори, профессор
Нургалиев Ильнар Накипович
физика-математика фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Полимерлар кимёси ва физикаси институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 02/30.12.2019. К/FM/Т.36.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7^б. Тел: (+99871) 241-85-94; факс: (+99871) 241-26-61, e-mail: polymer@academy.uz).

Диссертация билан Полимерлар кимёси ва физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7^б. Тел: (+99871) 241-85-94).

Диссертация автореферати 2021 йил «__» ____ куни тарқатилди.
(2021 йил «__» ____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

С.Ш. Рашидова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор, академик

М.М. Усманова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, к.ф.н., катта илмий ходим

С.С. Негматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда полимерлар асосидаги махсус плёнкасимон, юпқа қатламли нотўқима материаллар олишга ва уларнинг ташқи таъсирлар остида ночизикли деформацияланишини морфологик ҳолатига боғлиқ муҳим функционал ва анизотропик хоссаларини ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунда ламелляр ёки фибрилляр устмолекуляр тузилишли нано- ва микротолали нотўқима материалларнинг қайтар ва қайтмас деформацион ўзгаришларини баҳолаш, уларни оптик анизотропияси бўйича таҳлил қилиш, мустаҳкамлик чегараси ва функционал хоссаларини аниқлаш ушбу материалларни амалиётда қўллашда долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда жаҳонда полимер микротолали ва электроспиннинг усулида олинган нанотолали юпқа қатламли материалларнинг механооптик хоссаларини қиёсий ўрганиш ҳамда улар асосида биофаол нотўқима “изотроп-анизотроп” материаллар олишга катта эътибор берилмоқда. Бу борада, юпқа қатламли полимер материалларнинг структуравий ва фазавий ўзгаришларини, деформацион, анизотропик, филтрлаш ва махсус физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш каби йўналишларда мақсадли илмий изланишларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда маҳаллий полимерлар асосида юпқа қатламли ғовакли плёнкасимон, толали нотўқима функционал фаол материаллар олиш ҳамда амалиётга тадбиқ қилишга доир илмий-амалий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ламелляр ва фибрилляр тузилишли ғовакли юпқа қатламли полимер материаллардан тиббий-биологик қопламалар, комплекслар ва композитлар, биоэлементлар ва доривор воситаларни ташувчилар, ҳаво, газсимон ва суюқ моддаларни тозалашда селектив филтрлар сифатида жорий этиш бўйича муҳим натижалар қўлга киритилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси¹”да мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш ҳамда фундаментал тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ қилиш вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш учун функционал фаол гуруҳларга эга полимерлар асосида ноёб хоссали юпқа қатламли материаллар олишнинг оптимал шароитларини, ташқи деформацион таъсирлар остида структуравий ва фазавий ўзгаришларни тадқиқ қилиш, уларнинг тузилиши ва хоссаларини аниқлаш ҳамда амалиётда қўллашга йўналтирилган илмий-амалий тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сонли «Ўзбекистон Республикаси кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 17 январдаги ПҚ-3479 сонли «Мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг талаб юқори бўлган

¹ 2017 йил 07 февральдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.

махсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 19 мартдаги ПҚ-5032-сонли «Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида таркиби турлича устмолекуляр тузилишга эга ясси юпка қатламли полимер материаллар олиш ҳамда уларнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш ва улардан амалиётда фойдаланиш бўйича илмий изланишлар жадаллик билан олиб борилмоқда. Чоп этилган нашрларнинг кўпчилигида асосан юпка қатламли материалларнинг механик мустаҳкамлиги узиш машинаси ёрдамида тадқиқот қилиш орқали физик хоссаларини аниқлашга бағишланган. Полиэтилен плёнканинг ламелляр қатламларини деформацион чўзишда парчаланиб ориентацион тартибланиши рентгеноструктуравий таҳлили ҳамда табиий ипак фиброинининг ориентацион кристалланиши механизмларини ўрганиш бўйича илмий йўналишларни ривожлантиришга А. Келлер, С.Я. Френкель ва қатор илмий мактаблар катта ҳисса қўшишган. Ипак фиброини асосида толали юпка қатламли ғовакли материаллар шакллантириш ҳамда полиэтиленоксид, полистирол молекулаларининг бўйлама майдонда юқори даража ориентацион тартибланишини оптик анизотропияси бўйича баҳолашга оид соҳаларда W. Zhou, J. He ва бошқа олимларнинг илмий ишларини таъкидлаб ўтиш зарур.

Республикамизда мазкур йўналиш ривожланишига С.Ш. Рашидова, С.С. Негматов, Н.Р. Ашуров, А.А. Холмуминов ва бошқалар ўзларининг изланишларида махсус физик-кимёвий хоссаларга эга бўлган табиий биологик фаол полимерлар асосида янги материалларни синтези ҳамда амалиётга жорий қилишга ўз ҳиссаларини қўшишган.

Ушбу изланишларга қадар адабиётларда юпка қатламли полимер материалларнинг қайтар ва қайтмас деформацион ўзгаришларини назорат қилиш, “изотроп-анизотроп” ўтишларини аниқлаш ҳамда уларнинг физик моҳиятини оптик анизотропияси бўйича ўрганишга принципиал ёндашилган илмий тадқиқот ишлари кам олиб борилган. Ҳозирда юпка қатламли полимер материалларнинг физик ва эксплуатацион хоссаларини тадқиқот қилиш, бунинг принципиал илмий ечимларни берадиган махсус қурилма ва моделларини яратиш, ушбу материалларнинг плёнкалар, ламинатлар, сенсорлар, очик яраларни сиртини қопловчи функционал-биофаол қопламалар сифатида амалиётда қўлланилиши истиқболларини яратади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасининг Ф-А-2018-033 “Табиий ипак ва пахта чиқиндиларидан нанотолали наноғовакли материаллар олишнинг электроспиннинг усулини такомиллаштириш” (2018-2020 йй) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади полиэтилен, фиброин ва акрилонитрил сополимери асосидаги ламелляр ва фибрилляр тузилишли юпқа қатламли ғовакли материаллар деформацион ўзгаришлари ва функционал фаоллигини оптик анизотропиясига боғлиқлик хусусиятларини аниқлашдан иборатдир.

Тадқиқот вазифалари:

полиэтилен, фиброин ва акрилонитрил сополимерининг молекуляр ва устмолекуляр тузилишлари ҳамда анизотропик хоссаларини аниқлаш;

полиэтилен асосидаги ламелляр тузилишли юпқа қатламли материаллар деформацион ўзгаришларини оптик анизотропиясига боғлиқлигини тадқиқот қилиш ва физик принципларини аниқлаш;

фиброин ва акрилонитрил сополимери асосидаги фибрилляр тузилишли юпқа қатламли нотўқима изотроп-анизотроп материаллар шакллантириш ҳамда уларнинг деформацион ўзгаришини оптик анизотропияга боғлиқлик хусусиятларини аниқлаш;

юпқа қатламли изотроп-анизотроп нотўқима полимер материалларнинг турли муҳитларда анизотроп ҳолатига боғлиқ ноёб ва махсус хоссаларини намоён бўлиш хусусиятларини аниқлаш.

Тадқиқот объекти – полиэтилен, фиброин ва акрилонитрил сополимери.

Тадқиқот предмети – полиэтилен, фиброин, акрилонитрил сополимери намуналарининг молекуляр тавсифлари, улар асосидаги юпқа қатламли ламелляр ва фибрилляр устмолекуляр тузилишли материалларнинг деформацион ўзгаришлари ва механик парчаланиши ҳамда ушбу жараёнларни оптик анизотропияси билан боғлиқлик принциплари ва функционал фаоллигини намоён қилишининг илмий асосларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотларда гидродинамик, реологик, поляризация-оптик, электроспиннинг, растрли электрон микроскопия, сорбцион таҳлил, дзета-потенциал усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотининг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

илк маротаба, фибрилляр устмолекуляр тузилишли полимерлар асосида юпқа қатламли нотўқима изотроп-анизотроп материаллар шакллантиришнинг оптимал параметрлари аниқланган;

илк маротаба юпқа қатламли фибрилляр тузилишли полимер материалларнинг деформацион ўзгаришини оптик анизотропияга чизиқли боғланиши кўрсатиб берилган ҳамда ориентация факторини нисбий узайишга боғланиш функцияси ва коэффициенти аниқланган;

илк маротаба, плёнкасимон ламелляр тузилишли юпқа қатламли полимер материалларнинг бир томонлама ва симметрик чўзишда деформацион

ўзгаришларини оптик анизотропияси бўйича назорат қилишнинг физик принциплари кўрсатиб берилган;

ипак фиброини ва акрилонитрил сополимери толалари асосида юпқа қатламли материаллар олинган ҳамда уларнинг сирт фаоллигини намоён қилиш хусусиятларининг анизотропик эффектларга боғлиқлиги сорбцион, филтрлаш, дзета-потенциал усуллари ёрдамида аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

полиэтилен асосидаги ламелляр тузилишли юпқа қатламли материалларни бир томонлама ва симметрик чўзишни поляризация-оптик усулда назорат қилиш нозикли деформацион ўзгаришлар рўй бериши кўрсатилган ҳамда унинг асосида ориентация факторини нисбий деформацияга боғланиш функциясини тузилган;

фиброин ва акрилонитрил сополимер асосида фибрилляр тузилишли нотўқима изотроп-анизотроп ва юпқа қатламли материаллар олинган, микро- ва нанотолали материалларнинг қиёсий тадқиқотлари асосида ориентация факторини нисбий деформацияга чизикли боғланиш функцияси тузилган ҳамда структуравий ва физик-кимёвий хоссалари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Илмий тадқиқотлар олиб боришда ўлчашлар талаб этиладиган ишончилик доирасида амалга оширилган ва статистик қайта ишланган, экспериментал натижалар мавжуд назарий ва бошқа етакчи олимларнинг натижалари билан таққослаш асосида олиб борилган. Олинган натижаларнинг тасдиғи сифатида республика ва ҳалқаро илмий конференцияларда муҳокамалар қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, фиброин ва акрилонитрил сополимери асосида изотроп-анизотроп нотўқима материаллар олишнинг оптимал параметрлари ҳамда уларнинг муҳим структуравий тавсифлари ва эксплуатацион, анизотропик, сирт фаоллик, физик-кимёвий хоссалари аниқланган. Юпқа қатламли нано ва микротолали ғовакли материалларнинг механик хоссалари оптик анизотропик эффектлари билан боғлиқлигини тавсифловчи функциялар таклиф этилган ҳамда боғланиш коэффициенти қийматлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти юпқа қатламли полимер материалларни деформацион ўзгаришини поляризация-оптик усулда назорат қилиш, ташқи механик таъсирларга чидамлик, мустаҳкамлик чегараси, термик хусусиятларини аниқлашда қўлланиладиган механооптик қурилма ишлаб чиқилганлиги билан эътироф этилади. Илмий тадқиқотлар натижалари экцентрик-айланувчи экран билан такомиллаштирилган электроспиннинг усулида биологик фаол хусусиятларга эга ғовакли нотўқима материаллар олишда қўлланилган. Натижалар юпқа қатламли нотўқима материалларни очиқ яраларни битишида қопловчи биофаол восита сифатида қўллаш имкониятлари мавжудлигини кўрсатган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Юпқа қатламли полимер материалларнинг анизотропик хоссалари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биомойил акрилонитрил сополимери асосидаги нанотолали нотўқима материални асос сифатида ва унинг сиртида биофаол фиброин асосида қатлам шакллантириб, ушбу нанотолали юпқа қатламли нотўқима материаллар очик терини битишида қопловчи биофаол восита сифатида Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги республика ихтисослаштирилган дермотология ва венерология илмий-амалий тиббиёт марказида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг 2020 йил 16 ноябрдаги №04-8/388 сон маълумотномаси). Натижада юпқа қатламли нанотолали нотўқима материалнинг очик яраларни даволашда самарали восита сифатида амалий қўллаш имкониятига эга эканлигини кўрсатган;

акрилонитрил сополимери ва ипак фиброини эритмаларидан нанотолали нотўқима материаллар шакллантириш принципи ва юпқа қатламли полимер материалларнинг структуравий ўзгаришларини оптик анизотропияси бўйича таҳлил қилиш натижалари, деформацион жараёнларни поляризацион-оптик усулда назорат қилиш қурилмаси Ўзбекистон миллий университети тадқиқот ишлари режасининг А-4-13 рақамли “Электроспиннинг усулида фиброин, хитозан ва акрилонитрил сополимери асосида нанотолали нотўқима материаллар олиш технологиясини ишлаб чиқиш” (2015-2017 йй) мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 11 сентябрдаги №89-03-3244 – сонли маълумотномаси). Натижада нанотолали материалларнинг механик ва термик таъсирлар остида қайтар ва қайтмас деформацион ўзгаришлари ҳамда парчаланишини оптик анизотропияси бўйича назорат қилиш ва тадқиқот қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация бўйича олинган асосий натижалар 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, шу жумладан, 5 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 100 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги асосланган. Диссертация мавзуси бўйича муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазибалари, объектлари ва предмети кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, диссертация тузилиши ва нашр қилинган илмий ишлар тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Юпқа полимер материаллар анизотропик тавсифлари ҳақидаги умумий тасаввурлар”** деб номланган биринчи бобида турли устмолекуляр (ламелляр, фибрилляр) тузилишга эга юпқа қатламли функционал полимер материаллар тавсифлари, уларда механик, оптик анизотропик эффектларни намоён бўлиш принциплари бўйича адабиётлар шарҳи баён этилган. Диссертацияда ҳал қилинадиган муаммоларнинг ҳозирги замон ҳолати ва фойдаланилган асосий усуллар ҳамда ёндашувларнинг тавсифи келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот объектлари ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида танланган полимер объектлар тавсифлари, ламелляр ва фибрилляр устмолекуляр тузилишга ясси ва толалари турлича қалинликда бўлган юпқа қатламли нотўқима материаллар олиш, гидродинамик, реологик усулларда ҳамда деформацион ва анизотропик хоссаларини тадқиқот қилишнинг поляризацион-оптик, электрон микроскопия усуллари, функционал ва сирт фаолликни аниқлашнинг сорбцион ва дзета-потенциал усуллари тўғрисида маълумот келтирилган.


Диссертациянинг **“Юпқа қатламли ламелляр полимер материалларнинг деформацион ва анизотропик хоссаларини боғлиқлиги”** деб номланган учинчи бобида ясси ламелляр қатламли полиэтилен плёнканинг бир томонлама ва симметрик чўзишда рўй берадиган деформацион ўзгаришлар ва парчаланишларни тадқиқот қилиш учун махсус йиғилган “механооптик” қурилма ёрдамида деформацион ўзгаришларни оптик анизотропик эффектлар бўйича назорат ва тадқиқот қилишнинг физик принциплари кўрсатиб берилган.

Тадқиқотлар ўтказиш учун “узиш машинаси” принципида ишлайдиган, тасмасимон намунанинг бир томонлама ва симметрик тарзда механик чўзишни амалга оширадиган, жараёни поляризацион-оптик микроскоп усулида тадқиқот қилиш имконини берадиган “механооптик” қурилма йиғилган. Қурилманинг механик қисмда намуна тасма учидан пастга вертикал йўналишда бир текисда тортилади ва узилгунга қадар деформацион чўзилади. Узилиш мустақамлиги (σ_r) ва нисбий узайиш (ε_r) кўрсаткичлари ГОСТ 14236-81 бўйича аниқланади:

$$\sigma_r = F_r / A_0 \quad (1)$$

$$\varepsilon_r = \frac{\Delta l_{or}}{l_0} \cdot 100\% \quad (2)$$


бу ерда F_r – узилиш пайтида чўзиш кучланиши, Н; A_0 – намунанинг бошланғич кўндаланг кесими, мм²; Δl_{or} – намунанинг узилиш пайтидаги узунлигини ўзгариши, мм; l_0 – намунанинг бошланғич узунлиги, мм; σ_r – механик кучланиш, МПа. Амалга ошириладиган жараён 1–расмдаги чизма орқали тушунтирилади. Дастлаб А ҳолатда тасманинг учларида механик кучланиш ($\sigma_1 = \sigma_2 = 0$) бўлмайди ҳамда унинг узунлиги (l_1), эни (l_2) ва қалинлиги (d), умуман тавсифли $S_t = l_2 \cdot d$ юзаси, ҳажми V_t ва массаси m_t ўзгармайди. Сўнг Б ҳолатда, барабан–мотовило бир хил частотада ($\omega_{айл}$) айлантдирилади ва $\sigma_1 < \sigma_2 \neq 0$ шарт бажарилади, тасма узунлиги бўйлаб динамометрдан барабан-мотовило томон чўзила бошлайди ва параллелепипедсимон (А) шакли конуссимон (Б) шаклга айланиб узлуксиз узайиб, ингичкалашиб боради.



1-расм. Параллелепипедсимон тасманинг (А) деформацион чўзиш орқали конуссимон (Б) шаклга ўтиши ва узилишини принципиал чизмаси

Конуссимон тасманинг узунлиги (l_1) критик миқдорга $l_1 = l_{кр}$ етганда $l_2 \rightarrow 0$ ва $d \rightarrow 0$ шарт бажарилади ва тасма узилади. Тавсифли S_t тўртбурчак юза деформацион ўзгариш туфайли $S_a = \pi \left(\frac{d}{2}\right)^2$ думалоқ юзага айланади. Деформацион чўзишда тасманинг массаси m_t ўзгармайди, аммо таркибий элементлар деформацион-ориентацион тартибланиб, зичлашиши ҳисобига намунанинг ҳажми (V_t) кичрайиши кузатилади. Оптик қисмда намуна тасма (1) поляризатор (2) ва анализатор (3)

оралиғида поляризацион (кутбланган) монохроматик нурга перпендикуляр ўрнатилади. Нурнинг тўлқин узунлиги $\lambda = 560$ нм бўлиб, у ЖЗ-6 филтър воситасида ажратиб олинади ва линзалар ёрдамида параллел нур дастасига айлантдирилган тарзда бир чизикда поляроид, намуна, объектив, анализатор ва окуляр (4) орқали ўтади. Нур поляриодда кутбланади, яъни оддий ва ғайри оддий нурларга ажралади. Оддий нур намунанинг деформацион чўзилиши, яъни шакли ва таркибий элементларини жойлашиш тартибини ўзгартириши туфайли маълум φ_1 бурчакка бурилади ва бу оптик анизотропик эффект сифатида окуляр орқали визуаль кузатилади (2-расм). Анализатор ўрнатилган махсус нониусли лимб воситасида оддий ва ғайри оддий нурлар ўртасидаги фарқлар, яъни оптик “қора” фон (φ_0) ва оптик анизотропиянинг марказидаги “ёрқин” соҳа (φ_1) ўртасидаги фарқлар ($\Delta\varphi$) ҳамда окулярдаги микрошкала ёрдамида тасманинг қалинлиги (d) ўлчанди.



2-расм. Плёнка тасманинг деформацион чўзишда оптик анизотропиясини намоён бўлишининг принципиал чизмаси (а) ва микрофотографияси (б)

Намуна тасманинг дастлабки кўш нурни синиш кўрсатгичи

$$\Delta n_0 = \frac{\lambda \Delta \varphi_0}{180 d_0} \quad (3)$$

ва деформацион ўзгаришлар пайтидаги миқдори

$$\Delta n_i = \frac{\lambda \Delta \varphi_i}{180 d_i} \quad (4)$$

топилди, уларнинг нисбати бўйича ориентация фактори (β), яъни анизотропик тавсифлар аниқланди

$$\beta = \left[\frac{\Delta n_i - \Delta n_0}{\Delta n_i} \right]^{0,5} \quad (5)$$

Тажрибалар уч хил (ω) режимда олинган ва турли қалинликга (d) эга бўлган юпқа плёнка тасмаларда, уларни бўйлама ва кўндаланг йўналишларда “механооптик” қурилманинг барабан-мотовилосини айланиш частотаси $\omega = 1$ см/сек деформацион чўзиш принципида ўтказилди. Бунда намуналарнинг механик анизотропияси $A_M = \frac{\sigma_b}{\sigma_k}$ ва оптик анизотропияси $A_0 = \frac{\beta_b}{\beta_k}$ аниқланди. Натижалар 1-жадвалда келтирилган.


1-жадвал. Юпқа тасмаларнинг деформацион чўзишдаги кўрсатгичлари

ω айл/мин	d , мкм	Тасманинг узилишидаги кўрсатгичлари						$A_M = \frac{\sigma_b}{\sigma_k}$	$A_0 = \frac{\beta_b}{\beta_k}$
		Бўйлама чўзишда			Кўндаланг чўзишда				
		σ_b , МПа	ε_b , %	β_b	σ_k , МПа	ε_k , %	β_k		
2,0	50	68	539	0,91	64	530	0,82	1,10	1,12
3,5	41	76	390	0,94	42	294	0,55	1,81	1,72
4,5	36	81	335	0,96	35	214	0,43	2,31	2,24

Натижаларни қиёсий таҳлил қилиш, $\omega_{бм} = 2$ айл/мин тезлигида шакллантирилган плёнка намуналари “бўйи” ва “эни” бўйича чўзилганда узилиш мустақамлиги миқдорлари ва нисбий узайиш кўрсатгичлари бир бирига яқин механик ва оптик анизотропиялари 1,10 - 1,12 атрофидадир. Бу намунада макромолекулар тартибсиз изотроп ҳолатда жойлашганини кўрсатади. Кейинги $\omega_{бм} = 3,5$ айл/мин ва $\omega_{бм} = 4,5$ айл/мин режимларда

олинган плёнка намуналар “бўйи” ва “эни” бўйича чўзилганда, “эни” бўйича кўрсаткичларни “бўйи” бўйича кўрсаткичларга нисбатан анча кичик бўлиши аниқланди. Бу ҳол ушбу плёнкаларни анизотроп, яъни улар шаклланаётганда макромолекулалар ориентацион тартибланган ҳолатга устмолекуляр структура ҳосил қилганлигидан далолат беради.

Юпқа полимер материаллар, яъни плёнка ва тасмалар бир томонлама деформацион чўзилганда, уларда рўй берадиган жараёнларни шартли тарзда икки типга ажратиш мумкин, яъни: - биринчиси, материалнинг параллеллепидсимон шаклини конуссимон шаклга айланиши бўлиб, бундай шакл ўзгариши анизотропик ўзгариш эмас; - иккинчиси, материал таркибидаги макромолекулалар, устмолекуляр тузилишли ламеллалар, фибриллалар, нанотолаларнинг деформацион-ориентацион тартибланиб, изотроп ҳолатдан анизотроп ҳолатга ўтишидир. Буни тадқиқот қилишда намуна тасманинг ўртасидан поляризацион нурни перпендикуляр тарзда ўтиши ва икки учидан симметрик тарзда деформацион чўзилиши муҳимдир. Буни амалга ошириш учун “механооптик” қурилма такомиллаштирилди. Унда изотроп полиэтилен тасма симметрик тарзда $\omega = 1$ см/сек тезликда чўзилганда, нисбий узайишни (ϵ_6) ва ориентация факторини (β) чўзиш кучланиши (σ_6) боғланиши графикларида учта тавсифли соҳа аниқланди (3-расм). Бунда I- ва III-соҳадаги эффектлар тасманинг ҳажмий деформацион чўзилиши амалга оширилганлиги билан изоҳланади. II – соҳада тасманинг ички молекуляр сегментал ўзгариш, яъни деформацион-ориентацион тартибланиши чўзиш кучланишининг нисбатан камроқ сарфланиши ҳисобига анизотроп ҳолатга ўтиши амалга ошганлиги билан эътироф этилади.



3-расм. Полиэтилен плёнканинг чўзиш кучланишини (σ) ва ориентация факторини (β) нисбий деформацион узайишга (ϵ) боғлиқлиги

Бевосита кузатилган ушбу оптик анизотропик эффектларни ифодаловчи микрофотосуратлар 4-расмда келтирилган. Тадқиқотларда деформацион чўзиш йўналишига перпендикуляр тарзда плёнкани қатламга ажралиши ва ажралган жойидан симметрик равишда юпқалашиб, узайиши кузатилди. Тасманинг қатламга ажралиб, юпқалашган жойи нисбатан кўпроқ шаффоф, оптик анизотропияси ёрқинроқ эканлиги аниқланди. Буни ўлчаш натижалари асосида тузилган оптик анизотропиянинг нисбий узайишга боғлиқлик графиги юқоридаги 3-расмда келтирилган.



А) $\beta = 0,3$, $\varepsilon_6 = 20\%$

Б) $\beta = 0,5$, $\varepsilon_6 = 90\%$

С) $\beta \geq 0,9$, $\varepsilon \geq 440\%$

4-расм. ПЭ плёнкани симметрик чўзишда оптик анизотропиясининг ўзгариши

Тасма деформацион чўзилиб, узилиш чегарасига яқинлашганда оптик анизотропиянинг турли рангли Ньютон дифракцион тасвирлари йўқолиб, ёрқин оқ рангли тусга ўтади ва ориентация фактори $\beta \geq 0,9$ дан ошади. Тасманинг узилиш momentiда $\beta \geq 0,95$ катта бўлади. Бунда тасманинг ёрқин оқ рангга ўтиши Ньютон призмасига хос дифракцион эффектни кузатилмай қолганлиги, яъни макромолекулаларнинг юқори даражада ориентацион жипслашишидир. Бунга асосий сабаб деформацион чўзишнинг юқори босқичларида тасманинг энини торайиб бориши туфайли макромолекулалар зичлашиши ҳамдир.

Графикдаги III-соҳани оқиш, яъни қатламли силжишни ифодалашини ва оптик анизотропияни турли тусли интерференцион тасвирини аста секин йўқолиб оқ тусга ўтишини инobatга олсак, бу соҳада β дастлаб секин, сўнг кескинроқ ўзгаришини қуйидагича изохлаш мумкин: $\varepsilon = 100 - 200\%$ оралиғида $\beta = 0,4 - 0,5$ сингари секин ошиши, макромолекуляр қатламларни ўзаро силжиши туфайли бўлса, $\varepsilon = 300 - 400\%$ оралиғида $\beta = 0,5 - 0,9$ гача кескинроқ ошиши алоҳида олинган макромолекулаларнинг бир-бирига нисбатан силжиши билан боғлиқдир. Шунга биноан ҳар бир оралик учун ориентация факторини нисбий деформацион узайишга боғлиқлигини қуйидаги икки хил коэффициентга эга (k_1 ва k_2) функциялар билан ифодалаш мумкин:

$$\beta = k_1 \varepsilon = 0,001\varepsilon \quad (6)$$

$$\beta = k_2 \varepsilon = 0,004\varepsilon \quad (7)$$

Ушбу функциялар деформацион чўзишда макромолекуляр қатлами ва алоҳида олинган макромолекулаларнинг силжишини аниқлашда ҳамда мустаҳкамлик чегарасига яқинлашилаётганлиги ҳақида маълумот олишда муҳим роль ўйнайди.

Шундай қилиб, юпка плёнка тасма симметрик тарзда деформацион чўзилганда чўзиш кучланишига боғлиқ ҳолда тасма таркибий элементлари кучли деформацион ўзгариши, қатламларга ажралиши ва парчаланиши амалга ошиши ва бу жараёнларни оптик анизотропияга синхрон тарзда боғлиқ равишда амалга ошиши аниқланди. Бу ҳол оптик анизотропик эффектлар бўйича юпка материалларда рўй берадиган деформацион ўзгаришларни бевосита тадқиқот қилиш имкониятларини кўрсатди.

Диссертациянинг “Юпка қатламли нотўқима полимер материалларнинг анизотропик эффектлари” деб номланган тўртинчи бобида функционал фаол биополимерлар – фиброин (ФБ) ва акрилонитрил

сополимери (Со-АН) асосида нанотолали нотўқима юпка қатламли материаллар олиш, “изотроп-анизотроп” хоссаларини бевосита нотўқима структуралар шакллантиришда бошқариш, анизотропик эффектларининг функционал фаоллик хоссаларини намоён қилишига таъсирини ўрганиш бўйича натижалар муҳокама этилган.

Ушбу полимерларда функционал ионоген гуруҳлар бўлиб, уларнинг фаоллиги нотўқима материалларда намоён бўлиши шубҳасиздир. Аммо функционал хоссалар кўп жиҳатдан ионоген гуруҳлар миқдорига, яъни полимернинг молекуляр массасига ва толаларнинг нотўқима материалда “изотроп-анизотроп” ҳолатда жойлашишига боғлиқ. Буни инобатга олиб, ФБ ва Со-АН нинг молекуляр массалари ва полиэлектролит эритмаларининг оқувчанлик табиати вискозиметрик ва реологик усулларда тадқиқот қилинган.

ФБ + 2,5 М LiCl-ДМФА ва Со-АН + 51,5 % NaCNS эритмаларининг вискозиметрик тадқиқотлари Хаггинс қонуни бўйича ўтказилиб, тавсифли қовушоқликлари $[\eta] = 0,95$ дл/г ва $[\eta] \approx 2,0$ мл/г эканлиги аниқланган. Улар асосида Марк-Кунн-Хаувинк тенгламаси бўйича M_η миқдорлари ҳисобланди:

$$\begin{array}{ll} \text{ФБ учун} & M_\eta = ([\eta/1,23 \cdot 10^{-3}])^{1/0,91} = 220000 \\ \text{Со-АН учун} & M_\eta = ([\eta/2,3 \cdot 10^{-4}])^{1/0,78} = 115000 \end{array}$$

Турли ҳароратда реологик тадқиқотлар ўтказилиб, Френкель-Эйринг $\ln\eta = \ln A + E_a/RT$ тенгламаси бўйича $\ln\eta$ нинг $1/T$ га боғланиш графигини тузиб, оғиш бурчагидан қовушоқ оқим фаоллик энергияси миқдори (E_a) нинг миқдорлари ҳисоблаб топилди:

$$\begin{array}{ll} \text{ФБ} & \text{учун} & E_a = 24 \text{ кДж/моль} \\ \text{Со-АН} & \text{учун} & E_a = 20 \text{ кДж/моль} \end{array}$$


E_a миқдорлари макромолекулаларнинг оқимдаги ўзаро таъсирлашиши водород боғлари энергиялари диапазонида рўй беришидан далолат беради, яъни оқимда полимерлар кимёвий синтези ва деструкцияси кузатилмайди.

Одатда қалинлиги 100 мкм дан кичик нотўқима полимер материалларнинг асосини фибрилляр тузилишли микротолалар ташкил этади. Микротолалар оптик анизотропияси, яъни ориентация фактори $\beta \geq 0,8$ катта бўлсада, уларнинг тартибсиз жойлашиши материаллар ориентация факторини $\beta \leq 0,5$ дан ошмаслига, яъни материални изотроп-анизотроп хоссали бўлишига сабаб бўлади. Микротолалар орасида ғовакликларнинг мавжудлиги, уларни ташқи таъсирлар остида осонгина деформацион ўзгаришлар намоён қилиши ва натижада изотроп-анизотроп ҳолатини ўзгариши кузатилади. Буни механооптик қурилмада нотўқима материални симметрик чўзишда рўй берадиган деформацион ўзгаришни кўшимча тарзда қўлланадиган поляризацион-оптик усулда оптик анизотропиясини назорат қилиш орқали тадқиқот қилиш мумкин. Кейинги пайтда нанотолали нотўқима полимер материаллар ҳам шакллантирилаяпти ва уларнинг микротолалардан фарқли ўлчамига боғлиқ нанообъектларга хос функционал сирт ва биофаоллик

хоссаларини ёрқин намоён қилиши деформацион ўзгаришлар пайтида жиддий мураккабликларни келтириб чиқаради. Бундай ноёб хусусиятларни фарқлаб олишда микротолалар билан қиёсий таққослаш муҳим аҳамият касб этади.


Микро ва нанотолали юпқа материалларни деформацион ва шу каби бошқа физик хоссаларини қиёсий таққослаш тадқиқотларини ўтказишда, уларнинг материаллардаги анизотропик ҳолатини ифодаловчи ориентация факторининг бир хил бўлиши ўта муҳимдир. Фиброин микротолали ва нанотолали юпқа материаллар қиёсий таққосланадиган бўлса, микротолали юпқа материални ипак пилласидан ажратиб олиш мумкин ва ундаги микротолаларнинг ориентация фактори $\beta \approx 0,5 \div 0,6$. Бундан келиб чиқадики, нанотолали материалнинг ҳам ориентация фактори шу миқдорга каби бўлиши керак. Бундай нанотолали материални электроспиннинг усули олиш мумкин бўлиб, нанотолаларнинг керакли даражада ориентация факторига эга бўлишини электроспиннинг усулида эксцентрик-айланувчи экран қўллаш орқали эришиш мумкин.

Тадқиқот олиб бориш учун фиброиннинг микротолали (МТ) ва нанотолали (НТ) юпқа қатламли (қалинлиги 50 мкм) нотўқима материаллари танланди ва улардан узунлиги 4 см ва эни 1 см бўлган намуналар тайёрланди. Тадқиқотлар “механооптик” курилмада намуналарнинг 1 см/мин тезликда симметрик чўзишдаги деформацион ўзгаришлари оптик анизотропиясини назорат қилиш орқали амалга оширилди. Намуналарнинг деформацион ўзгариши, яъни нисбий узайиши (ε) то уларни механик узилиб кетгунча олиб борилди. Жараён бевосита поляризация-оптик тизим ёрдамида қўш нурни синиши бўйича фазалар фарқини ($\Delta\varphi$) хар 0,5 см узайишда ўлчаш принципида олиб борилди. Намуналарнинг оптик анизотропиясини ўзгаришини ифодаловчи микрофототасвирлар 5-расмда келтирилган.



5-расм. Фиброиннинг микро- ва нанотолали юпқа материалларининг анизотропик эффектлари: 1 – МТМ $\varepsilon = 0\%$; 1* - МТМ $\varepsilon = 100\%$; 2 – НТМ $\varepsilon = 0\%$; 2* - НТМ $\varepsilon = 100\%$;

Нисбий узайиш $\varepsilon > 100\%$ дан ошгандан сўнг микротолали ва нанотолали юпқа материалларда чўзишдаги узилиш эффекти кузатилди. Аммо $0 < \varepsilon < 100\%$ оралик диапазонда ўлчанган ($\Delta\varphi$) нинг миқдорлари асосида ориентация фактори (β) ҳисобланди. Натижалар асосида намуналарнинг ориентация факторини (β) нисбий узайишга (ε) боғланиш графиги тузилди (6-расм).



6-расм. Ориентация факторини (β) нисбий узайишга (ϵ) боғлиқлиги:
а – ФБ микротолали материал; б – ФБ нанотолали материал.

Графиклар тўғри чизиқли кўринишга эга бўлиб, улар нисбий узайишни ориентация фактори, яъни оптик анизотропияга пропорционал тарзда ўзгариши ифодалайди. Бундай чизиқли боғланиш графиги $\beta = k\epsilon$ каби ифодаланишидан k боғланиш коэффициентининг миқдори топилди,

$$\text{- фиброин микротолали материал} \quad - \beta = k\epsilon = 0,0112\epsilon \quad (8)$$


$$\text{- фиброин нанотолали материал} \quad - \beta = k\epsilon = 0,0084\epsilon \quad (9)$$

Ушбу коэффициент ва боғланиш графиги фиброин асосли юпка қатламли материалларнинг деформацион ўзгаришлари оптик анизотропиясига чизиқли боғланганлигини кўрсатади ва бу оптик анизотропия орқали юпка қатламли материалнинг деформацион ҳолатини баҳолаш имкониятини беради.

Ушбу микротолали ориентация фактори $\beta \approx 0,5$ ва $\beta \approx 0,8$ бўлган юпка материалларнинг сув буғларини сорбциялаши бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари 7-расмда келтирилган. Бунда ориентация факторини $\beta \approx 0,8$ га деярли 30 % кўтарилиши сув буғларини сорбцияланиши деярли 30 % гача пасайишини кўрсатган. Демак, ориентация факторини деформацион чўзишда ортиши микротолаларни ориентацион зичлашишига олиб келган ва улар орасидаги ғовақлик кескин камайган.

Намуналарни турли таркибли моддалар билан селектив таъсирлашини баҳолаш филтрлаш асосида ўтказилди. Бунининг учун ФБ₁, $\beta \leq 0,5$ ва ФБ₂, $\beta \leq 0,8$ ҳамда Со-АН₁, $\beta \leq 0,5$, ва Со-АН₂, $\beta \leq 0,8$ тавсифли нотўқима материаллардан $m_0=100$ мл чиқинди машина мойи нормал босимда филтрланди ва тўлиқ сизиб ўтиш учун кетган вақти (t) ўлчанди.

Филтрдан ўтган машина мойининг рангини шаффофлашиши кузатилди ҳамда массаси (m_u) ўлчанди. Анизотроп филтрнинг машина мойи таркибидаги заррачаларни ушлаб қолиш қобилияти, яъни филтрлаш кўрсаткичи $m_{yш} = \frac{m_i}{m_0} \cdot 100\%$ ифодага биноан аниқланди.



7-расм. Фиброин микрофибрилларнинг нотўқима материалларнинг сув буғларини сорбциялаши: 1 –микрофибриллар, $\beta \approx 0,5$; 2 –микрофибриллар, $\beta \approx 0,8$.


Нотўқима материалларнинг анизотропик кўрсаткичлари, яъни ориентация фактори (β), тоза машина мойини филтрдан тўлиқ оқиб ўтиш вақти (t_0), чиқинди машина мойини филтрдан тўлиқ оқиб ўтиш вақти (t^*) филтлда тутиб қолинган массаси ($m_{\text{вш}}$) миқдорлари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал. Анизотроп нотўқима материалларнинг филтрлаш кўрсаткичлари

Намуна	β	t_0 , мин	t^* , мин	$m_{\text{вш}}$, %
ФБ ₁	0,5	30	33	2,65
ФБ ₂	0,8	85	90	3,96
Со-АН ₁	0,5	22	25	2,57
Со-АН ₂	0,8	72	78	3,88

Бунда (β) нинг миқдорини ошириши тоза ва чиқинди машина мойларини филтрлаш вақти ошириши ва унинг таркибидаги кичик ўлчамли заррачаларни ушлаб қолиш кўрсаткичин ошишига олиб келишини кўрсатади. Бундай эффектларни кузатилиши, биринчидан, нотўқима материални тўғридан-тўғри ўлчамини ўзгариши, иккинчидан, филтрлаш жараёни ориентация факторига боғлиқ тарзда 30-90 мин давом этиши билан боғлиқдир.

ФБ ва Со-АН асосидаги нотўқима материалларнинг дисперс фаза сифатида дисперс муҳитда электрокинетик дзета (ξ) потенциалини аниқлаш ва унинг асосида намуналарнинг ташқи муҳит элементлари билан таъсирлашиши имкониятлари ўрганилди. Бунда мис купораси (CuSO_4) асосидаги электролитдан кўмир стержень электродларга доимий электр кучланиши 0 – 100 мВ ўтказилди ва нотўқима мембрана қатламдан ионлар ўтиши туфайли вужудга келган электроосмос натижасида капиллярларида суюқликни ҳажмий (V) силжиши вақт (t) давомида назорат қилинди. Дзета потенциал Гельмгольц-Смолуховский $\xi = 4\pi k \eta Q / \epsilon I$ формуласи бўйича ҳисобланди ҳамда ξ -потенциалнинг концентрацияга (C) боғланиш графиги тузилди (8-расм). Графикдан $\xi > 30$ мВ дан катта эканлиги аниқланди.



8-расм. Нотўқима анизотроп материалларнинг электрокинетик ξ -потенциални концентрацияга (C) боғлиқлиги

Графикдан концентрация ошиши билан ξ - потенциалнинг миқдори ҳам ошиб бориши кўриш мумкин. Бунга сабаб анизотроп нотўқима намуналарнинг ва CuSO_4 орасидаги ўзаро таъсирлашиш асосан толаларнинг сирт фаоллиги, айнан, фиброин ва Со-АН нинг функционал гуруҳлари карбоксил ва амин ҳамда метил гуруҳларининг тола сиртида мукамал жойлашганлиги ва электролит ионлари билан ўзаро таъсирлашишлари эвазига амалга ошган ва унинг натижасида анизотроп тола ва ион таъсирлашишлари юқори концентрациялар соҳасида янада барқарорлашгандир.

Шундай қилиб, турли даражадаги анизотроп тавсифли “нотўқима материал - ион” таъсирлашишининг электрокинетик кўрсаткичлар билан тавсифланиши, улар ўртасида ўзига хос тизим шаклланганлигидан далолат беради ҳамда бу тизим сувли муҳитда ва электр майдони таъсирида физик кўрсаткичлари бўйича барқарор эканлиги аниқланди.

ХУЛОСА

«Юпқа қатламли полимер материалларнинг анизотропик хоссалари» мавзусида фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Гидродинамик тадқиқотлар асосида полиэтиленни молекуляр массаси $M = 280000$, фиброин учун $M = 220000$ ва акрилонитрил сополимери учун $M = 115000$ эканлиги аниқланган. Поляризацияон – оптик усулда намуналарнинг устмолекуляр тузилиши ўрганилган ҳамда полиэтилен плёнкани ламелляр ва фиброин толасини фибрилляр тузилишга хос оптик анизотропик эффектлар намоён қилиши аниқланган.

2. Механик чўзиш натижасида полиэтилен плёнканинг ламелляр устмолекуляр тузилиши деформацион парчаланиб, юқори эластиклик ҳолатга ўтиши, нисбий узайиши ва узилишининг критик параметрларининг оптик анизотропик эффектларга пропорционал боғлиқ эканлиги аниқланган. Оптик анизотропия бўйича ориентация факторини (β) нисбий деформацияга (ε) боғланиш функцияси сегментал ўзгаришлар учун $\beta = k_1 \varepsilon = 0,001\varepsilon$ ва

молекуляр силжишлар учун $\beta = k_2\varepsilon = 0,004\varepsilon$ кўринишда тузилган. Нисбий узайиш $\varepsilon > 430\%$ катта соҳада турли тусли оптик-анизотропик эффектлар оқ тусга ўтиши ва плёнкани узилиши аниқланган.

3. Фиброиннинг турли қалинликдаги толалари асосидаги юпқа қатламли нотўқима материалларнинг деформацион узайиши ва оптик анизотропияси ўртасида чизикли боғланиш мавжудлиги аниқланган. Микротолали нотўқима материал учун ориентация факторининг нисбий деформациясига боғланиш функцияси $\beta = k\varepsilon = 0,0112\varepsilon$ ва нанотолали нотўқима материал учун $\beta = k\varepsilon = 0,0084\varepsilon$ эканлиги кўрсатиб берилган.

4. Фиброин ва акрилонитрил сополимерининг ориентация фактори $\beta = 0,8$ бўлган турли қалинликдаги толалари асосида олинган ориентация фактори $\beta = 0,5$ ва $\beta = 0,8$ бўлган изотроп-анизотроп нотўқима материалларнинг сирт фаоллик хоссалари қиёсий тадқиқот қилинган. Микротолали материалнинг ориентация факторини 0,5 дан 0,8 гача ошганда сорбцион қобилиятини 30% камайиши, чиқинди машина мойи филтрлаш қобилияти 2,6% дан 3,96% гача ошиши аниқланган. Электрокинетик дзета-потенциали миқдори 30 мВ дан катта бўлиши, нотўқима анизотроп материалнинг ионлар билан таъсирлашиши барқарор эканлигини кўрсатган.

5. Плёнкасимон ва юпқа қатламли нотўқима материалларнинг бир томонлама ва симметрик чўзишда деформацион ўзгаришларни оптик анизотропияси бўйича тадқиқот қилиш учун махсус механооптик қурилма йиғилган ва унинг воситасида деформацияланувчи материалда рўй бераётган сегментал, молекуляр силжиш ва узилиш жараёнларини амалга ошишининг принципиал хусусиятлари ва қонуниятлари аниқланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 02/30.12.2019.К/ФМ/Т.36.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТИ ХИМИИ
И ФИЗИКИ ПОЛИМЕРОВ**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

МАТЯКУБОВ БЕКЗОД МАТНАЗАРОВИЧ

**АНИЗОТРОПНЫЕ СВОЙСТВА ТОНКОСЛОЙНЫХ
ПОЛИМЕРНЫХ МАТЕРИАЛОВ**

01.04.06 – Физика полимеров

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИХ НАУК**

Ташкент-2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2019.3.PhD/FM412.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (polchemphys.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNET» (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель: **Холмунинов Абдулфатто Ахатович**
доктор физико-математических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Абдурахманов Умарбек**
доктор физико-математических наук, профессор

Нургалиев Ильнар Накипович
доктор физико-математических наук

Ведущая организация: **Самаркандский государственный университет**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2021 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.K/FM/T.36.01 при Институте химии и физики полимеров по адресу: 100128, г. Ташкент, ул. Абдулла Қадыри, 7^б. Тел: (+99871) 241-85-94; факс: (+99871) 241-26-61, e-mail: polymer@academy.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института химии и физики полимеров зарегистрирован ____ номером). (Адрес: 100128, город Ташкент, улица Абдулла Қадыри, 7^б. Тел: (+99871) 241-85-94).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2021 года.
(протокол рассылки №__ «__» _____ 2021 года).

С.Ш. Рашидова

Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.х.н., профессор, академик

М.М. Усманова

Секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней,
к.х.н., старший научный сотрудник

С.С. Негматов

Председатель научного семинара
при научном совете
по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор, академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора (PhD) философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире особое внимание уделяется получению специальных полимерных пленкообразных, плоских тонкослойных нетканых материалов и углубленному исследованию закономерностей проявления важных функциональных и анизотропных свойств в зависимости от их морфологического состояния и нелинейного деформирования под воздействием внешних сил. В этом изучение взаимосвязи обратимых и необратимых деформационных изменений полимерных плоских тонких материалов с ламеллярной и фибриллярной надмолекулярной структурой с анизотропными эффектами, определение на их основе предела прочности и функционально-активных свойств, а также практического применения считается актуальной задачей физики полимеров.

На сегодняшний день в мире уделяется большое внимание сравнительному изучению механооптических свойств тонкослойных полимерных микроволоконных и полученных методом электроспиннинга нановолоконных материалов, а также получению на их основе биоактивных “изотропно-анизотропных” нетканых материалов. В связи с этим важно проведение целевых и научных исследований в таких областях, как структурные и фазовые превращения, деформация, анизотропия, фильтрация и определение особых физико-химических свойств тонкослойных полимерных материалов.

В республике особое внимание уделяется научно-практическим исследованиям получения и практического применения функционально активных тонкослойных пористых пленкообразных, волоконных нетканых материалов на основе местных полимеров. В частности, достигнуты важные результаты по разработке медико-биологических покрытий, комплексов, композитов, носителей биоэлементов и лекарственных средств, селективных фильтров очистки воздуха, газообразных и жидкостных веществ на основе ламеллярных и фибриллярных пористых тонкослойных полимерных материалов. В указе “Стратегии действия” дальнейшего развития Республики Узбекистан определены важные задачи по развитию науки и образования, внедрению результатов фундаментальных исследований на практике. Для реализации данных задач имеют важные значения научно-практические исследования, направленные на определение оптимальных параметров получения тонкослойных материалов с уникальными свойствами на основе полимеров с функционально активными группами, изучение структурных и фазовых превращений под действием внешних деформационных сил, выявление структуры и свойств, а также возможности применения.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, поставленных Указом Президента Республики Узбекистан № УП–4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и Постановлениями Президента Республики Узбекистан №ПП-3479 от 17 января 2018 года «О мерах

устойчивого обеспечения высоко востребованной продукцией и сырьевыми ресурсами отраслей экономики страны”, №ПП-3983 от 25 октября 2018 года «О мерах по усиленному развитию химической промышленности в Республике Узбекистан», №ПП-5032 от 19 марта 2021 года «О мерах по повышению качества образования и совершенствованию научных исследований в области физики» а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетными направлениями развития науки и технологии в республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий в республике: VII. “Химические технологии и нанотехнологии”.

Степень изученности проблемы. На сегодняшний день во многих странах мира ведутся широкомасштабные исследования по получению плоских тонкослойных полимерных материалов различной надмолекулярной структуры и определению их физико-химических свойств и возможности практического применения. Большинство опубликованных работ, посвящены в основном выявлению физических свойств тонкослойных материалов путем измерения механической прочности с использованием разрывной машины.

А. Келлер, С.Я. Френкель и представители ряд научных школ внесли большой вклад в развитие научного направления по изучению ориентационного упорядочения распавшихся ламеллярных слоев полиэтилена при деформационном растяжении и рентгеноструктурного анализа, а также механизмов ориентационной кристаллизации фиброина натурального шелка. Также следует отметить, работы ученых W. Zhou, J. He и других, посвященные формированию волоконных пористых тонкослойных материалов на основе фиброина, проведения оценки по оптической анизотропии высокой степени ориентационного упорядочения молекул полиэтиленоксида и полистирола.

В нашей республике внесли определенный научный вклад для развития данного направления С.Ш. Рашидова, С.С. Негматов, Н.Р. Ашуров, А.А. Холмуминов и другие. Синтезированы новые материалы со специальными физико-химическими свойствами на основе природных биологически активных полимеров.

